

**ЎЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

ШОДИЕВ ҒУЛОМ МАХАММАТОВИЧ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09. – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор кидирув-ҳуқуқ ва суд экспертизаси

Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Шодиев Гулом Махамматович

Жиноят процессида реабилитация қилишнинг назарий ва амалий масалалари..... 3

Шодиев Гулом Махамматович

Теоретические и практические вопросы реабилитации в уголовном процессе..... 33

Shodiev Gulom Makhammatovich

Theoretical and practical aspects of rehabilitation in criminal proceedings..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 64

**ЎЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

ШОДИЕВ ҒУЛОМ МАҲАММАТОВИЧ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.09. – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор қидирув-ҳуқуқ ва суд
экспертизаси**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.DSc/Үу171 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси веб-сайти (www.proacademy.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Миразов Даврон Мирагзамович
юридик фанлар доктори, профессор

Рахмонова Сурайё Махмудовна
юридик фанлар доктори, профессор

Суюнова Дилбар Жолдасбаевна
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Үу.67.01 рақамли илмий Кенгашнинг 2025 йил 02 октябрь куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел./факс: (+99871) 202-04-96).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (66-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2025 йил 19 сентябрда тарқатилди.
(2025 йил 19 сентябрдаги 31- рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминжонова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, юридик
фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

В.Каримов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноят процессида жиноят ишлари юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари ҳаракатлари ва ҳаракатсизлигидан жабрланган шахсларни реабилитация қилиш масаласи жиноий одил судловнинг муҳим йўналиши сифатида эътироф этилади. Жиноят процессида ўзига нисбатан юритилган жиноий таъқиб тугатилган, оқлов ҳукми чиқарилган шахсларни реабилитация қилиш билан боғлиқ масалалар жаҳоннинг ҳамма жойида ҳар доим долзарбдир. Муайян ҳуқуқий асослар ва ёндашувлар турлича бўлса-да, ноҳақ айбловлар таъсирини бартараф этиш ва оқланган шахсларга адолатли муносабатда бўлишни таъминлашнинг асосий масалалари адолатли ҳуқуқий тизимнинг эътиборли жиҳатлари сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда. АҚШ Адлия вазирлигининг Миллий Адлия тадқиқот институти маълумотларига кўра, мамлакатда ҳимоячилар, прокурорлар, судьялар ва жиноий судлов жараёнининг бошқа иштирокчиларидан иборат сўровларда айблов ҳукмларининг ўртача 0,5% дан 3,0% гачасини хато деб ҳисоблашлари¹, 1989-йилдан 2024-йилга қадар 3 709 та ноҳақ айблов асосида ҳукм қилинган ва 34 191 йил асоссиз озодликдан маҳрум қилинган шахсларни жиноят ишлари миллий реестрда қайд этилгани² ҳам мавзунини инсоният учун долзарб аҳамият касб этишини кўрсатмоқда.

Жаҳонда жиноят процессида жиноят ишлари юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг жиноят ишлари юритиш жараёнида қабул қилган қонунга хилоф қарорлари ҳаракатлари ва ҳаракатсизлигидан жабрланган шахсларнинг маҳрум этилган, чекланган ҳуқуқ ҳамда эркинликларини тиклаш, уларга нисбатан етказилган моддий зарар, маънавий зиённи қоплашни илмий ва амалий тадқиқ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жиноят процессида реабилитация қилиш асосларини такомиллаштириш, жиноят ишлари тугатиш асосларини таҳлил этиш, маънавий зиённи ундириш асосларини белгилаш, юқори инстанция судлари томонидан жиноят ишлари бўйича шахс оқланган ёки реабилитация асосларига кўра иш тугатилганда биринчи инстанция судлари томонидан шахсга нисбатан етказилган зарар ва зиённи аниқлашни белгилаш чораларини жиноят процесси принципларига мослигини аниқлаштириш, жиноят ишлари бўйича процессуал мажбурлов чораларини нотўғри ёки асоссиз қўлланилиши бўйича бузилган ҳуқуқларни тиклаш механизмларини ишлаб чиқиш каби долзарб мавзуларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда жиноят процессида шахсни реабилитация қилиш асосларини таснифлашнинг янгича мезонларини ишлаб чиқиш бевосита давлатнинг ўз олдига қўйган ҳуқуқий вазифаларидан ҳисобланиб, мазкур вазифа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3723-сон Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида “Реабилитация институтини қўллаш асосларини ва уни амалга ошириш

¹ <https://www.ojp.gov/pdffiles1/nij/251446.pdf>

² <https://exonerationregistry.org/>

механизмларини такомиллаштириш” номли ўнинчи вазифа сифатида белгиланган¹. Мазкур вазифа ижросини таъминлаш мамлакатимизда жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишдаги устувор вазифалар ижросида Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашни суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мезонига айлантириш масалалари, шу жумладан, жиноят процессида шахсни реабилитация қилиш масалаларини тадқиқ этиш ҳамда бу борада жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш вазифалари белгиланган².

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), “Прокуратура тўғрисида”ги (2001), “Судлар тўғрисида”ги (2021) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сон “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ-5268-сон “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 10 августдаги ПФ-6041-сон “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 10 августдаги ПФ-6041-сонли “Суд-тергов фаолиятида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2023 йил 16 январдаги “ПФ-11-сон “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2023 йил 16 январдаги ПФ-12-сон “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон ва қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 14.05.2018 йилдаги ПҚ-3723-сон <https://lex.uz/docs/3735818> мурожаат санаси 16.07.2024 йил

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” Стратегияси тўғрисида”ги РФ-158-сонли Фармони <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Жиноят процессида реабилитация қилишнинг назарий ва амалий масалаларига оид оид муайян илмий тадқиқотлар дунёнинг кўплаб илмий тадқиқот марказларида ва олий ўқув юртлирида, жумладан, Россия Федерацияси прокуратура университети (Реабилитацияни таъминлашда прокуратура органларининг роли) (Россия Федерацияси), MacEwan университети (Суд ишларини юритиш доирасида ноқонуний жиноий таъқиб натижасида етказилган зарарни қоплаш) (Канада), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Минтақалараро Жиноят ва Адлия тадқиқот институти (Жиноят процессини рақамлаштириш шароитида реабилитация ҳуқуқини амалга ошириш муаммолари) (UNICRI)², Россия жиноят процессида реабилитация (Россия Қозон Иқтисодиёт, бошқарув ва ҳуқуқ институти), Жиноят процессида реабилитация гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳуқуқлари ҳимоясининг кафедрати. (Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон Миллий университети), Россия жиноят процессида реабилитация институти (Санкт-Петербург давлат университети), жиноятдан етказиладиган зарарнинг Кембридж индекси (The University of Cambridge)³ каби етакчи илмий ва олий таълим муассасаларида амалга оширилмоқда. Бундай илмий изланишлар натижасида жиноят процессида реабилитация қилишнинг назарий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий-амалий хулосалар ишлаб чиқилган, жумладан: ноҳақ айбланган ва реабилитация қилинган шахсларга нисбатан ўн таркибий қисмли режа (Penal Reform International (PRI) Халқаро нотижорат тадқиқот маркази); жиноят ишида оқланган шахсларни маънавий ҳуқуқларини тиклаш масалалари (Қозоғистон Республикасининг қонунчилик институти Қозоғистон); жиноят иши бўйича реабилитация қилинган шахсларга компенсация ҳисоблашнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш (АҚШнинг Джорж Вашингтон университети); Европада асосиз жиноий таъқибдан ҳимояланишда реабилитация масалалари (Европа кенгашининг илмий тадқиқотлар маркази); ноҳақ ва асосиз айбланган ва ҳукм қилинган шахсларни реабилитация қилишнинг умумий стандартларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ тадқиқотлар (Мишколс университети. Венгрия)ларда жиноят процессининг асосий муҳим қисми эканлиги илмий асослаб берилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда жиноят процессида реабилитация қилишнинг айрим жиҳатларига оид илмий изланишларни Ғ.А. Абдумажидов, Б.А.Алимджанов, Б.Т.Ақрамходжаев, М.М. Асқаров, И.А.Астанов, Ж.К. Атанязов, Д.Б.Базарова, Х.З.Кучкаров, Д. Камалходжаев, Ш.А.Кулматов, Н.М.Қўшаев, З.Ф. Иноғомжонова, Д.М.Миразов, Б.А.Миренский, Қ.Мирзажонов, Б.Б. Муродов, Ф.М.Мухитдинов, Б.Х.Пулатов, Ю.С.Пулатов, Б.А. Ражабов, А.Х. Раҳмонқулов, С.М. Раҳмонова, Б.Н. Рашидов, А.Я. Саттаров, Т.Т. Таджиев, Х.С.Таджиев, У.А. Тухташева, Г.З. Тўлаганова, Н.И.Хайриев ва бошқаларнинг илмий ишларида эътибор берилган.

Т.Т. Таджиев “Проблемы реабилитации в советском уголовном процессе” (1991), Д. Камалходжаев “Реабилитация в уголовном процессе” (1996),

¹ <https://www.agprf.org>, <https://www.unodc.org>, <https://www.dissercat.com>, <http://www.dslib.net>, <https://cjars-toc.isr.umich.edu>, <https://www.kicj.re.kr>, <https://www.sciencedirect.com>, <https://eucpn.org>.

² <https://unicri.org/sites/default/files/2025-03/New-DIGITAL-Rehabilitation-in-Prisons.pdf>

³ <https://www.crim.cam.ac.uk/research/thecambridgecrimeharmindex>

А.Я. Сатторов “Жиноят процессида реабилитация институтини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш” (2023), М.М. Асқаров “Ишни судга қадар юритиш босқичида реабилитация институтини такомиллаштириш” (2024) мавзуси доирасида жиноят процессида реабилитация институтининг муайян жиҳатларини таҳлил қилган.

МДХга аъзо давлатларда жиноят процессида реабилитация қилишнинг назарий ва амалий масалаларига оид тадқиқот ишларини Г.Г.Амирбекова, Б.Т.Безлепкин, С.А.Бетров, В.В.Бойсова, А.Ф.Горкина, В.В.Зинькович, А.Г.Эдияна, Г.З.Климова, И.А.Либус, М.В.Максименко, Д.Мелосси, Н.И.Мироллобов, Т.В.Могулло, А.А.Орлова, М.Паварини, А.А.Подопригора, Н.Э.Шалумова каби олимлар бевосита илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Шунингдек, хорижий олимлардан Lisa Forsberg, Thomas Douglas, Russell Teylor, Muhammad Effendy Foenna, Ethan Simmons, Ashu Kito, Kirpal Thind, Kateryna Kuzmuk, Loukas Balafoutas, Aurora Garcia-Gallego, Nikolaos Georgantzis, Tarek Jaber-Lopez, Evangelos Mitrokostas ва бошқалар томонидан мавзунинг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган¹.

Бироқ, жиноят процессида шахсни реабилитация этишнинг асослари ва процессуал тартибни жорий этиш, жиноят ишини юритишда айбсиз деб топилган шахсларга қопланиши лозим бўлган моддий зарар ҳамда маънавий зиённинг миқдорини адолатли белгилаш, шунингдек, реабилитация институтига оид қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни унификация қилиш билан боғлиқ умумназарий ва амалий тусдаги вазифалар атрофлича тадқиқ этилмаган, алоҳида монографик тадқиқотлар ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, “Жиноят процессида реабилитация қилишнинг назарий ва амалий масалалари” мавзусидаги устувор йўналишлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жиноят процессида реабилитация қилишнинг назарий ва амалий масалаларига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноят процессида реабилитация институтининг назарий асосларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон жиноят процессида реабилитация институтининг ҳуқуқий тартибга солинишини тадқиқ этиш;

Ўзбекистон жиноят процессида реабилитация институтига оид қоидаларни шаклланишининг тарихий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

жиноят процессида шахсни реабилитация қилишга оид халқаро стандартларни таҳлил қилиш:

айрим хорижий мамлакатлар жиноят процессида реабилитация институтини тадқиқ этиш;

¹ Шу ва бошқа олимларнинг илмий асарлари тўлиқ рўйхати диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

жиноят процессида реабилитация этилган шахсга етказилган зарар ва зиён тушунчалари, уларнинг ўзаро нисбатини тадқиқ этиш;

жиноят процессида реабилитация этилган шахсга етказилган зарар ва зиённи қоплаш асослари ва механизмини ўрганиш;

жиноят процессида реабилитация этилган шахсга етказилган зарар ва зиённи қоплаш асослари ва механизмини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш;

жиноят процессида реабилитация институтининг ҳуқуқий асослари ҳамда амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш юзасидан асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

жиноят процессида реабилитация институтини назорат қилишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти жиноят процессуал қонунчилигида шахсни реабилитация қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини жиноят процессида шахсни реабилитация қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, жиноят процессида шахсни реабилитация қилиш, унга нисбатан етказилган зарар ҳамда зиён юзасидан адолатли компенсация тўлаш бўйича халқаро ҳужжатлар, айрим хорижий мамлакатлар жиноят процессуал қонунчилиги, жиноят процессуал ҳуқуқи фанида мавжуд бўлган айрим илмий ёндашувлар, жиноят процессида шахсни реабилитация қилиш билан боғлиқ илмий-назарий қарашлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда билишнинг илмий усуллари бўлган – тарихийлик, мантикий-юримдик, формал, кузатиш, қиёсий-ҳуқуқий ва тизимли таҳлил, статистик усуллар, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, анкета сўровлари, статистик маълумотлар таҳлили, функционал ёндашув, тизимлилик, терговга қадар текширув органлари фаолияти таҳлили, суд амалиёти ҳамда жиноят ишларини ўрганиш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жиноят ишини юритишга ваколатли бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлигидан жабрланган шахсларга етказилган зарар, зиённинг ўрни давлат томонидан қопланиши кераклиги асослантирилган;

жиноят процессида маънавий зиённи қоплаш асоси сифатида прокурор ва судьянинг жиноят ишини юритишга ваколатли бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлигидан жабрланган шахслардан расман давлат номидан узр сўрашларини белгилаш асослантирилган;

жиноят процессида шахсни реабилитация қилиш асоси сифатида судга қадар иш юритиш жараёнида шахсни реабилитация этиш бўйича жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор ва жиноят ишини биринчи инстанция судида кўриш жараёнида оқлов ҳукми ёки биринчи ҳамда юқори инстанция судларида шахсни реабилитация этиш бўйича жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажрим белгиланиши лозимлиги асослантирилган;

реабилитация этилган шахсга суднинг қарорига асосан маҳрум қилинган махсус, ҳарбий ва фахрий унвони, малака даражаси, шунингдек давлат мукофотлари қайта тикланишини белгилаш лозимлиги асослантирилган;

реабилитация қилинган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкӣ зарарнинг ўрнини қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилиши лозимлиги асосланган.

қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар ва қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган қонун кучга кирганидан кейин ишда гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган ёхуд унга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган ҳоллар реабилитация асослари сифатида белгиланиши зарурати асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессида шахсларни реабилитация қилишни такомиллаштиришни назарда тутган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси суд-тергов тизимида шахсни реабилитация қилиш билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштиришни назарда тутган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 23.03.2023 йилдаги “Реабилитация этилган шахсга етказилган зиённи қоплаш ва унинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 18-сон қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган;

“Жиноят процессида шахсни реабилитация қилиш” тушунчасига муаллифлик таърифи берилган;

жиноят процессида жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлигидан жабрланган шахсга нисбатан реабилитация ҳуқуқи эътироф этилган шахс атамасини қўллаш таклифи илгари сурилган;

жиноят процессида жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлигидан моддий зарар кўрган шахсга нисбатан зарарни талаб қилиш ҳуқуқи эътироф этилган шахс атамасини қўллаш таклифи илгари сурилган;

жиноят ишини юритишга ваколатли бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлигидан жабрланган шахсларга етказилган зарар ҳамда зиённи жиноят ишлари бўйича судларда кўриб чиқиш тартибини белгилаш таклифи илгари сурилган;

қисман реабилитация тушунчасини жиноят процессуал қонунчилигидан чиқариш ва адолатсиз ҳукм қилинган, жиноят ишини судгача юритиш жараёнида эҳтиёт ёки мажбурлов чоралари нотўғри қўлланилган ҳолатларда шахсга нисбатан етказилган зарар ҳамда зиённи компенсация қилиш тушунчасини қўллашни белгиланиши кераклиги асослаб берилган;

жиноят процессуал қонунчилигида юридик атамалардан тўғри фойдаланишни таъминлаш учун мулкый зарар, жисмоний зарар, маънавий зарар тушунчаларини оптималлаштириб, моддий зарар ва маънавий зиён тушунчаларини қўллаш таклифи асослаб берилди;

жиноят ишлари апелляция, кассация ҳамда тафтиш инстанция судларида кўриб чиқилиб шахсни реабилитация қилиш бўйича тугатилган ҳолларда шу суд томонидан шахсга нисбатан етказилган зарар ва зиён миқдорини аниқлаш кераклиги асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиётига асосланган. Бундан ташқари, хулосалар 4500 нафар прокуратура, 180 нафардан ортиқ судья, 77 нафардан ортиқ тергов ходимлари ўртасида ўтказилган социологик сўровлар, Ўзбекистон Республикаси Олий судидан олинган статистик маълумотлар ва 100 га яқин суд ҳукмларининг таҳлили натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг *илмий аҳамияти* шундан иборатки, ундаги илмий-назарий ва амалий хулоса ва таклифлардан келгусида илмий ва амалий фаолиятда, жиноят процессуал қонунчилиги нормаларини такомиллаштиришда, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва такомиллаштиришда, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятида, шунингдек жиноят процессуал ҳуқуқи, суриштирув-тергов фаолияти, жиноят ишлари бўйича расмийлаштириладиган процессуал ҳужжатлар каби ўқув модулларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот *амалий аҳамияти* шундаки, улардан суд-тергов фаолиятида, жиноят процессида реабилитация институтини белгиловчи нормаларни тўғри ва бир хилда қўлланилишига, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва “Жиноят-процессуал ҳуқуқи”, “Дастлабки тергов”, “Терговга қадар текширув” ва “Суриштирув” каби ўқув фанларидан машғулотлар ўтказишда, ушбу фанлар бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва методик материаллар тайёрлашда қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиноят процессида реабилитация қилишнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этиш натижалари асосида:

жиноят ишини юритишга ваколатли бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлигидан жабрланган шахсларга етказилган зарар, зиённинг ўрни давлат томонидан қопланиши кераклиги борасидаги таклифлардан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси бешинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2023 йил 3 майдаги 04/2-10/823-сонли далолатномаси*). Мазкур таклиф жорий

этилиши шахсга нисбатан давлат органлари ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланишининг конституциявий ҳуқуқий асоси сифатида қайд этилишига хизмат қилган;

жиноят процессида маънавий зиённи қоплаш асоси сифатида прокурор ва судьянинг жиноят ишини юритишга ваколатли бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлигидан жабрланган шахслардан расман давлат номидан узр сўрашларини белгилаш тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг 378-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 30 июндаги 27/2-135-24-сонли далолатномаси*). Мазкур таклифнинг инobatга олиниши жиноят процессида шахсни реабилитация этилишида нафақат моддий зарар, балки маънавий зиённи ҳам ҳисобга олинишига ва шу орқали процесс иштирокчиларининг реабилитацияга бўлган ҳуқуқларини такомиллашувига хизмат қилган;

жиноят процессида шахсни реабилитация қилиш асоси сифатида жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор, оқлов ҳукми ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажрим белгиланиши лозимлиги борасидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг 370-моддасини ишлаб чиқишда инobatга олинди. (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 24 декабрдаги 27/2-358-24-сонли далолатномаси*). Мазкур таклифни жорий этилиши жиноят процессида шахсни реабилитация этиш асосларини аниқ қандай ҳужжатлар асосида белгиланишига хизмат қилган.

реабилитация этилган шахсга суднинг қарорига кўра маҳрум қилинган маҳсус, ҳарбий ва фаҳрий унвони, малака даражаси, шунингдек давлат мукофотлари қайта тикланишини белгилаш лозимлиги тўғрисидаги таклифлардан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси янги таҳрирдаги лойиҳаси 374-моддасининг бешинчи қисмини ишлаб чиқишда инobatга олинган. (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 24 декабрдаги 27/2-358-24-сонли далолатномаси*) Мазкур таклифнинг жорий этилиши реабилитация ҳуқуқи эътироф этилган шахснинг маҳрум қилинган маҳсус, ҳарбий ва фаҳрий унвони, малака даражаси, шунингдек давлат мукофотлари қайта тикланишини таъминлашга хизмат қилган;

реабилитация қилинган ҳарбий хизматчиларнинг мулкий ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкий зарарнинг ўрнини қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилиши лозимлиги борасидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг 382-моддасини ишлаб чиқишда инobatга олинган. (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 30 июндаги 27/2-135-24-сонли далолатномаси*). Мазкур таклифнинг жорий этилиши реабилитация қилинган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини тиклашни ва уларга етказилган мулкий зарарнинг ўрнини қоплашни, маънавий зиён оқибатларини бартараф этишни

Ўзбекистон Республикасида ижро ҳокимиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан таъминланишига хизмат қилади;

қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар ва қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган қонун кучга кирганидан кейин ишда гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган ёхуд унга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган ҳоллар реабилитация асослари сифатида белгиланиши тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг 371-моддасини ишлаб чиқишда инобатга олинган. (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 30 июндаги 27/2-135-24-сонли далолатномаси*). Мазкур таклифнинг жорий этилиши реабилитация асосларини такомиллашувига ва шу орқали жиноят процессида шахсларнинг реабилитацияга бўлган ҳуқуқини таъминланишлигига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуман, жумладан, 4 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 10 та илмий мақола (3 таси нуфузли хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий таълим ва тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Жиноят процессида реабилитация институти: назарий асослари ва ҳуқуқий тартибга солиниши ҳамда тарихий ривожланиши**” деб номланиб, унда Жиноят процессида реабилитация институтининг назарий асослари, Ўзбекистон жиноят процессида реабилитация институтининг ҳуқуқий тартибга солиниши ҳамда Ўзбекистон жиноят процессида реабилитация институтига оид қоидаларни шаклланишининг тарихий-ҳуқуқий асослари илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Диссертант мазкур бобда “реабилитация” ва унга оид бўлган илмий назарий қарашларни атрофлича таҳлил қилган бўлиб, мазкур тушунча бир неча йўналишларда ўзига хос институт сифатида ўрганилишига алоҳида урғу беради ва тадқиқот предмети сифатида олинган айнан юридик реабилитациянинг луғавий,

энциклопедик ва тарихий келиб чиқиш маъноларини таҳлил қилган. Шу билан бирга, бунда юридик реабилитация ҳам кенг маънода ҳуқуқда қўлланилишини келтириб, мустақил ва мажмуавий ҳуқуқ институти сифатида намоён бўлиши, бир қанча йўналишда хусусан пенитенциар, гуманитар ва бошқа йўналишларда ҳам “реабилитация” жумласи қўлланилиши ва ўзига хослигини таққослаган ҳамда мавзу бўйича жиноят процессидаги реабилитациянинг моҳиятини ва уни фарқли жиҳатларини очиб берган. Муаллифга кўра, жиноят процессида шахсни реабилитация қилиш – юридик реабилитациянинг бир қисми ҳисобланиб, ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса ва адолатни қарор топтиришнинг бир кўриниши сифатида, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хатолари, қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги натижасида шахснинг чекланган ёки маҳрум этилган ҳуқуқий мақомини, бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш, унга етказилган зарарни қоплаш заруратини ўзида акс эттиради.

Мавзуга оид бўлган атаманинг луғавий маъноси таҳлил этилиб, унга кўра “Реабилитация” атамаси латин тилида “rehabilitatio” сўзидан олинган бўлиб, имконият, қобилиятни қайта тиклаш, немис тилида “rehabilitation” аввалги ҳолатига қайтиш, тикланиш деган маъноларни билдириши ва уни илк бор тарихда француз легисти Блейнаниус томонидан қўлланилгани келтирилади.

Тадқиқотчи мазкур бобда, жиноят процессидаги реабилитация борасида процессуалист олимлар ва амалиётчи мутахассисларларнинг мазкур институт таркибий элементлари хусусида турли хил қараш ва ёндашувлари мавжудлиги ва ягона тўхтам ҳамда ҳулосага таянилмаганлигини келтириб ўтади. Хусусан, бир қанча миллий ва хорижий олимларнинг бу борадаги таърифлари, ҳулосалари ва фикрларини таҳлил қилиб, жиноят процессидаги реабилитация тушунчаси дастлаб афв ва амнистия институти билан аралаш қўллангани боис, уларни ҳам атрофлича таҳлил қилиб, жиноят-процессуал ҳуқуқида шахсни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг реабилитация усулидан фарқлаш лозимлиги тўғрисидаги позицияни ҳимоя қилган. Бунга асос сифатида ишни судга қадар юритиш босқичида амнистиянинг қўлланилиши, жиноят содир этилишида шахснинг айби мавжуд – мавжуд эмаслигини исбот қилмай туриб, ҳукм чиқариш ёки ундан кейинги босқичларда эса, амнистия ёки афвнинг қўлланилиши жиноят содир қилишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан “*жиноят содир этган, бироқ, давлат томонидан кечирилган*” деган норасмий баҳонинг берилганлигини, булардан фарқли равишда, шахс реабилитация қилинганда унинг жиноят содир этмаганлиги расман тан олинishi, ҳаттоки, шахснинг жиноят содир этган-этмаганлиги ёки содир қилинган жиноятда иштироки мавжуд ёки мавжуд эмаслигини исботлашнинг имкони бўлмаган вазиятлар ҳам реабилитацияга олиб келиши, бунинг назарий-ғоявий асосида “*исботланмаган айб – исботланган айбсизликка тенг*” деган қоидага асосланишини келтиради.

Шунингдек, диссертант реабилитациянинг бошқа хусусиятларини ҳам таҳлил қилиб, бу борада жиноят процессининг жиноят ишини юритишга масъул бўлган субъектлари томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатиш усули сифатида намоён бўлишини таъкидлайди. Муаллиф, миллий ва хорижий олимларнинг реабилитацияга берган таърифлари, унинг аниқ чегараси ва ёндашувни ўзида мужассам эта олмагани,

бунга асосий сабаб сифатида собиқ советлар даврида шаклланган қарашлар эканини келтириб ўтади. Тадқиқотчи, илмий мунозаралар асосида, келтирилган таърифларда реабилитация фақатгина суд томонидан шахснинг оқлангани тушунилиши жуда тор маънода қўлланилгани ва бу қараш хато эканлигини билдириб, судга қадар ва суд босқичида шахснинг ҳар қандай ҳуқуқ ва манфаатларини асоссиз чекланиши, унинг олдинги ҳуқуқларини тиклаш маъносида тушуниш ва қабул қилиш лозимлиги, ҳатто шахсни қонунга зид равишда жиноий таъқиб остига олиш ҳам реабилитацияга асос сифатида олиниши мумкинлиги борасидаги хулосага келган.

Диссертант, илмий-назарий таҳлиллар доирасида олимларнинг фикрларидаги фарқликларга миллий жиноят-процессуал нормалари ҳамда МДХга аъзо давлатларнинг қонунчилигидаги фарқликларни асос сифатида кўрсатади ва шахсни *реабилитацияга бўлган ҳуқуқнинг эътироф этилиши* турлича номлангани, бироқ мазкур ҳуқуқни қонунчиликда мустақамлаб қўйиш долзарблигини, сабаби мазкур ҳуқуқни эътироф этувчи ҳужжатларини тўғри белгилаб олиш уни тўғри тушуниш ҳамда реабилитация қилинадиган шахслар ва унинг мулкӣй ва бошқа ҳуқуқларини тиклаш ҳақидаги даъволарининг қонунийлигига баҳо бериш имконини беришини келтиради. Муаллифга кўра, миллий қонунчилигимизда шахсни реабилитацияга бўлган ҳуқуқи қуйидаги процессуал ҳужжатлар асосида эътироф этилади:

1) жиноят иши қўзғатилишдан аввал жиноят содир этишга гумон қилиб, ушлаб турилган шахсга нисбатан ЖПК 83-моддасига асосланиб чиқарилган жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарор;

2) ЖПК 83-моддасига асосланиб чиқарилган жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор;

3) ЖПК 83-моддасига асосланиб, суд томонидан чиқарилган жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажрим;

4) оқлов ҳукми;

5) юқори интанция судларининг оқлов ҳукмига тенг бўлган ажрим ва қарорлари.

Диссертант мазкур боб доирасида жиноят процессида реабилитация институтининг ижтимоий заруратини ҳам таҳлил қилиб, бунда хорижий мамлакатларининг кўрсаткичлари юқорилигини, бироқ бу суд тизими билан боғлиқ эканлигини келтиради. Хусусан, АҚШ ва айрим Европа мамлакатларида судларнинг ҳар учинчи қарори оқлов бўлиши, Англияда уларнинг улуши 40%га етиши, 2024 йилда Ўзбекистонда судлар томонидан жами 723 нафар шахс оқланганлиги, ушбу даврда 1-инстанция судларига 77 995 нафар шахсларга нисбатан 61 481 та жиноят иши келиб тушган бўлиб, мазкур сонлар ичида оқланган шахслар сони улуши 0,92%ни ташкил этиши¹ ниҳоятда оз миқдорни ташкил этаётгандай кўриниш акс этиши, бироқ судга қадар иш юритиш босқичида ЖПКнинг 83-моддасига кўра қабул қилинган қарорлар билан қўшиб ҳисоблаганда, ушбу кўрсаткич анча юқори бўлишини келтиради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий маълумоти.
<https://stat.sud.uz/assets/uploads/criminal/pdf/criminal-2024-full.pdf>

Тадқиқотчи, жиноят процессида реабилитацияга берилган миллий ва хорижий олимларнинг таърифлари, амалиёт ва хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил қилган ҳолда қуйидагича муаллифлик таърифини таклиф қилган:

Жиноят процессида реабилитация - бу юридик реабилитациянинг бир тури бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятида хатоликлар туфайли жиноятни содир этишида гумон қилинган ёки айбланган шахсни, шунингдек бундай мақом берилмаган бўлса-да, жиноятчиликка қарши курашувчи органлар ёки уларнинг ходимлари томонидан қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шартсиз, зайринсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларининг қўлланилганлиги ёки эркин ҳаракатланишининг чекланган шахсларнинг дахл қилинган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳамда пок номини тиклаш ҳамда уларга нисбатан етказилган моддий зарар ва маънавий зиённи қоплаш, уларнинг жамиятга тўлиқ қайта мослашувини таъминлашга қаратилган комплекс қонуний чора-тадбирларда ифодаланган мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир.

Шунингдек, муаллиф мазкур бобда реабилитацияни ҳуқуқий институт сифатида қонунчилик ҳужжатлари асосида тартибга солинишини тадқиқ этиб, уни қуйидагича таснифланишини келтиради:

- 1) Умумий қоидаларни белгиловчи раҳбарий асос (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси);
- 2) Бевосита реабилитация институтини тартибга солувчи қонунлар (ЖПК, ФК, ФПК, Меҳнат кодекси ва бошқалар);
- 3) Реабилитация институтини тартибга солувчи қонун ости ҳужжатлари.

Диссертант юқорида келтирилган ҳуқуқий асосларни таҳлил қилиб, жиноят процессидаги реабилитация институти конституция даражасида мустақамлаб қўйилиши ниҳоятда муҳим эканлиги, сабаби халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари бу борадаги расмий талабни имплементация қилишни кўзда тутиши тўғрисидаги хулосага келган. Шунингдек, реабилитация институти тармоқлараро институт бўлиб, бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари (жиноят-процессуал, фуқаролик, фуқаролик-процессуал, меҳнат, уй-жой, бюджет ва бошқа ҳуқуқ соҳалари нормалари) билан тартибга солинишини кўрсатиб ўтади.

Тадқиқотчи, реабилитация институтининг ҳуқуқий тартибга солиниши бўйича таҳлилларни амалга ошириб, бу борада қуйидаги ҳуқуқий-ташкилий муаммоларнинг мавжудлигини келтириб ўтади:

– реабилитация қилиниши лозим бўлган шахсга етказилган моддий зарар масаласи ягона суд томонидан кўриб чиқилиб, ҳал этилмайди, балки жиноят ишини судда кўрилиши жараёнида манфаатдор тараф томонидан мурожаат қилинмаган бўлса, уларни қоплаш юзасидан қайтадан, яна далил тўплаб фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиниши лозимлиги;

– маънавий зиённи қоплаш масаласи фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ваколатига тегишлилиги;

– реабилитация қилиниши лозим бўлган шахсга етказилган зарарларнинг давлат томонидан қопланиши амалдаги ЖПКда белгиланмаганлиги;

– қонун ҳужжатларида жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг жиноят ишини юритиш жараёнидаги қонунга хилоф

қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги натижасида жабрланган шахсга нисбатан етказилган зарар ва зиён мулкӣ зарар, мулкӣ зиён, моддий зарар, жисмоний зарар, маънавий зарар, маънавий зиён тарзидаги турли атамалар турли хил шаклларда қўлланилганлиги;

– жиноят процессида шахсни реабилитация этиш жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг хатолари ва уларнинг айблари сабабли вужудга келишини ҳисобга олиб, жиноят процессуал қонуни нормалари тартибда ҳал этилиши белгиланмаган ва бошқалар.

Муаллиф, ушбу бобда жиноий жавобгарликка қонунга ҳилоф, асоссиз равишда жавобгарликка тортилган, шунингдек адолатсиз тарзда жазоланган шахсларни реабилитация қилишнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини тадқиқ этиб, уни қуйидаги тўртта асосий босқичга ажратиб ўрганишни таклиф қилган:

Биринчи босқич – бу институтнинг келиб чиқиши мамлакатимиз ҳудудида илк марта оқлов ва афв тушунчалари шаклида реабилитациянинг моҳиятан пайдо бўлиши даври, том маънода реабилитациянинг яратилишига илк қадам дейиш мумкин, ушбу даврда шарият ҳуқуқи нормалари асосида иш юритилиб, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш билан боғлиқ қоидалар, тартиб-тамоийиллар, меъёрлар, бир сўз билан ифодалаганда, ҳуқуқий нормалар жуда мукамал тарзда ишлаб чиқилган ва давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи қозилик маҳкамасида ҳар қандай низолар кўриб чиқилиб, мазмунан ҳал этилган.

Иккинчи босқич – Чор Россияси томонидан мамлакатимиз ҳудудини ишғол этилиши ва бу даврда рус қонунчилиги асосида қабул қилинган ҳужжатларда реабилитациянинг ҳозирги даврда қўланилаётган намуналарини кўришимиз мумкин. Хусусан, бу даврда реабилитация институт сифатида шаклланган. Бу босқичнинг хусусиятларидан бири давлат кўпгина нормаларда қонунга ҳилоф жиноий жавобгарликка тортилган ёки ноқонуний судланган шахсларга нисбатан етказилган зарарни қоплашни ўз зиммасига олишдан бош тортган. Ушбу даврдаги реабилитация институтининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири маънавий зиённи қоплаш, шахсни бузилган ҳуқуқларини ва шаъни, кадр-қимматини тиклаш бўлган. Бу даврда реабилитация муносабатлари давлат ҳуқуқий муносабатлари сифатида кўриб чиқила бошланганлиги ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Учинчи босқич – Ўзбекистон ССРда даслабки ЖПКларининг қабул қилиниши (1926 ва 1929 йиллардаги), уларда реабилитация институтига оид нормалар ўз аксини топмаганлиги.

Тўртинчи босқич – Мустақил ЎзР ЖПКда реабилитация институтини тартибга солувчи нормалар алоҳида бўлим тарзида белгиланганлиги, ҳамда тармоқлараро институт бўлиб, замон талабларига асосан такомиллаштирилиб борилаётганлигини айтиш мумкин. Тўртинчи босқичнинг ўзига хос хусусияти шундаки, шахсни реабилитация этиш билан биргалиқда, унга нисбатан етказилган зарар ҳамда зиённи қоплаш масаласи қонунчиликда тўлиқ ўз аксини топди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Жиноят процессида шахсни реабилитация қилиш борасидаги халқаро стандартлар ва хорижий мамлакатлар тажрибаси**” деб номланиб, мазкур бобда жиноят процессида шахсни реабилитация қилишга оид

халқаро стандартлар ва айрим хорижий мамлакатларнинг жиноят процессида реабилитация институтининг ҳуқуқий тартибга солиниши қиёсий тадқиқ этилган.

Муаллиф мазкур бобда, жиноят процессида шахсни реабилитация қилишнинг халқаро стандартларини тадқиқ этиш қуйидаги асос ва сабабларга кўра муҳим эканлигини асослаб берган:

биринчидан, мавзуга оид халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига мурожаат қилиш орқали, миллий ҳуқуқий тизимларга таъсир кўрсатадиган интеграция жараёнларининг фаол ривожланишига таъсир этиши мумкинлиги;

иккинчидан, жиноят процессида жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ҳамда қарорларидан жабрланган шахсларни реабилитация этиш нафақат миллий қонунчилик балки, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларини кафолатлаш юзасидан халқаро мажбуриятларининг таркибий қисми ҳисобланиши;

учинчидан, реабилитация институтини халқаро стандартлар асосида тадқиқ этиш, шахс ҳуқуқларини кафолатлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларга мос реабилитация амалиётини шакллантириш ва бошқа кўплаб сабабларга кўра долзарб эканлиги ҳақидаги ҳулосага келган.

Диссертант, жиноят процессида шахсни реабилитация этиш масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича бир қанча халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва стандартлар қабул қилинганлиги, уларнинг энг асосийлари қуйидаги халқаро ҳужжатлар эканлигини таҳлил қилган:

- Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси;
- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт;
- Жиноят қурбонлари учун ва ҳокимиятни суиистеъмол қилишга қарши одил судловнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Декларация;
- Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси
- Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларига қарши Конвенцияси;
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Кўллаб-қувватлаш ва қопланиш ҳуқуқи бўйича асосий тамойиллари;
- Халқаро жиной суднинг Рим статuti ва бошқалар.

Муаллиф юқоридаги асосий ва факультатив халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиб, миллий қонунчиликка киритилиши ва амалиётга жорий этилиши лозим бўлган реабилитацияга оид қуйидаги қоидаларни долзарб эканлигини асослаб берган. Чунончи,

– ҳимоя талаб қилувчи ҳар қандай шахс учун юридик ҳимоя нуфузли суд, маъмурий ёки қонуний ҳокимиятлар томонидан ёки давлатнинг тизимида назарда тутилган бошқа нуфузли органлар томонидан таъминланиши ва суд орқали ҳимояланиш имкониятини ривожлантириш (Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактнинг 2-моддасининг учинчи қисми);

– реабилитация қилинаётган *жиноят қурбони* тушунчаси, уларнинг одил судлов механизмларидан фойдаланишлари ва етказилган зарарни тезкор қоплаш ҳуқуқига эгаллиги, уларнинг ҳуқуқлари (тезкор, адолатли, ҳаммабоп бўлган компенсация олиш имконияти ва бошқа) ҳақида маълумот берилиши мажбурияти,

уларнинг ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ муҳим масалалар хусусида ахборотлар бериш, суд муҳокамаларида ўз фикрларини билдиришга имкон бериш, уларнинг ўзи, оиласининг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг манфаатига хизмат қилувчи қарорлар ижросини кечиктиришга йўл қўймаслик каби қафолатларни таъминлаш (БМТнинг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/34-сон Резолюцияси билан қабул қилинган “Жиноят ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш қурбонлари учун одил судловнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Декларация);

– ушлаб туришнинг, қамокқа олишнинг қонунийлиги ва асослигини текшириш судларнинг ҳам ҳуқуқи ҳам мажбурияти эканлиги, бунда суд далилларни ўрганиш ҳуқуқига эгаллиги, ваколатли органларнинг оқланган шахслардан омма олдида узр сўраши ва маъсулиятни ўз бўйнига олиши (Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт);

– жиноят қурбонларига нисбатан реституция яъни мулкни қайтариш ёки етказилган зарар ёки зиён учун тўловни, виктимизация натижасида қилинган харажатларни қоплашни, хизматлар кўрсатиш ва ҳуқуқларни тиклаш (БМТнинг “Жиноят ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш қурбонлари учун одил судловнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Декларация);

– ноқонуний ёки асоссиз хибсда ҳамда қамокда сақланганлик, шунингдек бошқа турдаги чекланган ҳар қандай ҳуқуқи учун ундириладиган товон пулинининг аниқ меъёри ва стандартлари (*Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шифқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши Конвенция*);

– оммавий ва ҳуқуқий ҳужжатларда ноқонуний равишда ҳукм қилинган шахсларнинг оқланишини расман эълон қилиш ва узр сўраш (Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясида);

– жиноят қурбонларига зарур моддий, тиббий, психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатилиши кераклиги ва бундай ёрдам мавжудлиги тўғрисида хабардор қилиш ва уларга улардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини таъминлаш (БМТнинг “Жиноят ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш қурбонлари учун одил судловнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Декларация) ва бошқаларни санаб ўтади.

Шунингдек диссертант, халқаро ҳуқуқда шахсни реабилитация қилиш бўйича компенсациянинг бешта шаклини (*Реституция, компенсация, тиклаш, сатисфакция, такрорламасликни қафолатлаш*) очиқ бериб, уларнинг ҳар бири мавзуга оид долзарб тушунчалар эканлиги ва мазкур тушунчаларни миллий қонун ҳужжатларига босқичма-босқич киритиш муҳим эканлигини асослаб берган.

Бундан ташқари, муаллиф МДХ доирасида давлатлар ўзаро ҳамкорлик асосида қуйидагиларга амал қилишлари бўйича келишувга эришишлари ҳам мазкур соҳани ривожлантиришда муҳим эканлигини асослаган. Хусусан, жабрланган шахслар учун ягона компенсация стандартларини ишлаб чиқиш масалалари, давлатлараро судларга мурожаат қилиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқий қарорлар ижросини қафолатлаш ва мустаҳкамлаш каби бир қанча қоидаларни белгилашлари долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг ушбу бобида диссертант, айрим хорижий мамлакатларнинг жиноят процессида реабилитация институтининг ҳуқуқий тартибга солинишини тадқиқ этиб, унда жиноят процессида шахсни реабилитация қилишнинг илғор

қоидалар мавжудлигини келтириб ўтади. Жумладан, реабилитация ҳуқуқи конституция даражасида мустақамлаб қўйилганлиги (Венгрия, Португалия, Руминия, Бразилия, Озарбайжон, Албания, Вьетнам ва бошқа), “Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида фуқарога етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисида”ги махсус (алоҳида) қонун қабул қилинганлиги (Украина, Германия, АҚШнинг айрим штатлари, Австралия, Австрия, Янги Зеландия), судланганлик ҳақидаги маълумотларни барча турини, хатто архивлардан ҳам ўчириб юбориш (Германия, АҚШ), реабилитация институти нафақат жиноят процессига, балки маъмурий ҳуқуқбузарликларга ҳам тегишли ҳисобланиши (Вьетнам), ноқонуний судланган ва кейинчалик оқланган шахсларга компенсация қилиш бўйича махсус Жамғарма – Фонд мавжудлиги (Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс, Квинсленд штатлари), ноқонуний равишда ҳукм қилинган шахсларни оқлаш ва уларга товон ундириш бўйича жамоатчилик лойиҳаларига руҳсат берилганлиги (АҚШ, Европа давлатлари), реабилитация этилган шахсдан расман омма олдида ёки ОАВ орқали узр сўраш (АҚШ, Австрия), ноқонуний ҳибсга олинганларни реабилитация қилиш бўйича Миллий комиссия (Франция, АҚШнинг айрим штатлари, Буюк Британия), ноқонуний судланганлик ҳолатлари бўйича миллий “Реестр” (Канада, АҚШ), шахснинг ҳар бир чекланган ҳуқуқ, жамиятга қайта мослашув ва бошқа ташкилий чоралар бўйича компенсациянинг аниқ миқдори белгиланганлиги (Янги Зеландия, Канада), реабилитация жараёни суд назорати остида таъминланиши (Франция) каби тажрибаларни тадқиқ этган.

Шу билан бирга ўрганилган мамлакатларнинг мавзу борасидаги салбий тажрибалари ҳам таҳлил қилинган бўлиб, булар жиноий таъқиб ноқонунийлиги ва процессуал айбсизликни исботлаш даъвогарга юклатилиши (АҚШ), адолатсизлик натижасида қамокда ўтган йиллар учун компенсация тўловлари тўланмаслиги (АҚШнинг 15 та штати), компенсация фақат ноҳақ судланган ва қамокқа олинган шахсга берилиши назарда тутилганлиги, бунда судга қадар тергов босқичи инобатга олинмаслиги (Канада) каби ҳолатлар ҳам қиёсан ўрганилган.

Тадқиқотчининг фикрича, жиноят процессида реабилитация институтига оид хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилишнинг қуйидаги ижобий жиҳатлари мавжуд:

биринчидан, хорижий давлатларда қабул қилинган қонунлар ва қоидаларни таҳлил қилиш орқали миллий қонунчиликни такомиллаштириш мумкинлиги;

иккинчидан, чет давлатлар амалиётини ўрганиш натижасида жиноий таъқиб ёки суд ҳукмлари ноқонуний бўлган ҳолларда, улардан жабр кўрганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва адолатни тиклаш механизмлари яхшиланишига эришиш мумкинлиги;

учинчидан, хорижий давлатлар амалиёти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мустақам тизимларни яратиш учун асос бўлади. Бу, ўз навбатида, жамиятда давлат ва суд тизимида бўлган ишонччи ошириши;

тўртинчидан, хорижий тажрибаларда қайси механизмлар яхши ишлаётгани ва қайсилари камчиликларга эга эканлигини ўрганиш орқали миллий тизимдаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мумкинлиги;

беинчидан, илфор ривожланган давлатлар қонунчилигини таҳлил қилиш ноқонуний судланиш ва инсон ҳуқуқлари бузилиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Бирок, диссертант мазкур давлатлар қонунчилигини ҳам ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари (тарихий эволюцияси, қайси ҳуқуқ оиласига мансублиги, географик, демографик, ижтимоий-иқтисодий, криминологик омиллар)ни ҳисобга олиш лозим эканлиги, акс ҳолда, қабул қилинган нормалар миллий қонунчиликда амалда бўлмаслиги ёки кўриб чиқиладиган ҳуқуқий муносабатлар соҳасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблайди. Шу боис, юқоридаги факторларни инобатга олган ҳолда, миллий қонунчиликка жорий этиш мумкин бўлган бир қанча таклифларни илгари сурган (Тўлиқ матни диссертация ишида).

Диссертациянинг **“Жиноят процессида реабилитация этилган шахсга етказилган зарар ҳамда зиён тушунчаси, уларни қоплаш асослари ва механизми, уларни такомиллаштириш масалалари”**га бағишланган учинчи бобида реабилитация этилган шахсга етказилган зарар ва зиён тушунчалари, уларнинг ўзаро нисбати, жиноят процессида реабилитация этилган шахсга етказилган зарар ва зиённи қоплаш асослари ва механизми ҳамда уларни такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

Хусусан, тадқиқотчи жиноят процессида зарар ва зиён тушунчаларини таҳлил қилиб, мазкур тушунчалар ЖПКнинг турли моддаларида турлича қўлланилган бўлса-да, унинг таърифи мавжуд эмаслиги, Ўзбекистон Республикаси ФҚда берилган ва тартибга солинувчи зарар ҳамда зиён тушунчаси жиноят процессида қўлланилувчи мазкур тушунчалардан тубдан фарқ қилишини келтириб, бу икки атаманинг бир-биридан фарқи, уларнинг мазмуни юзасидан луғавий, энциклопедик ва юридик таърифлар, шунингдек миллий ва хорижий олимларнинг хулосалари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, социологик тадқиқотлар таҳлилидан келиб чиқиб, жиноят процессида зарар ва зиён тушунчасига қуйидагича таъриф беришни ҳамда ЖПКга тегишли ўзгартириш киритиш орқали қайд қилишни таклиф этган:

Жиноят процессида моддий зарар - жиноят ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши оқибатида, шунингдек жиноят ишини юритиш жараёнида жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги натижасида шахсга нисбатан етказилган моддийлик хусусиятига эга бўлган шикастлар ёки тан жароҳатлари тушунилади.

Жиноят процессида маънавий зиён - жиноят ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши оқибатида, шунингдек жиноят ишини юритиш жараёнида жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги натижасида шахсга номоддий хусусиятга эга, шунингдек, жабрланувчи олган тан жароҳатлари натижасида унинг руҳиятига етказилган ҳосила шикастлар тушунилади.

Шу билан бирга муаллиф, ЖПКнинг бир қанча моддаларида зиён ва зарар атамалари чалқаш қўлланилганлиги, уларни қўллашда хатоликлар мавжудлигини асослаб, ЖПКнинг қатор моддаларида қўлланилган зиён атамасини зарар атамасига ва мулкий зарар атамасини моддий зарар жумласига ўзгартиришни ҳамда маънавий зиён атамасини қўллашни таклиф этган.

Диссертант мазкур бобда “реабилитация ҳуқуқи” ва “зарарни қоплаш ҳуқуқи” иккита алоҳида тушунчалар эканлигини, реабилитация ҳуқуқи шахсни реабилитация этилганлигини англатмаслигини юридик жиҳатдан таҳлил қилиб, реабилитация институти доирасида қонунчиликка ва юридик адабиётларга “Зарарни қоплаш ҳуқуқини этироф этиш” ва “Зарарни қоплаш ҳуқуқи эътироф этилган шахс” каби тушунчаларга таърифларни ишлаб чиққан ва мазкур таърифларни қонунчиликка ҳамда юридик адабиётларга киритиш лозим, деган хулосага келган. Муаллиф, мазкур бобда реабилитация этилиши лозим бўлган шахс вафот этган ҳолларда, унинг ҳуқуқи меросхўрларига тегишли эканлигини асослаб, миллий жинойт процессуал қонунчилигимизда мазкур ҳуқуқ тўлиқ таъминланмаганлигини халқаро стандартлар ва бошқа таҳлиллар асосида очиб берган ҳамда ЖПКнинг 307-моддасини учинчи қисм билан тўлдиришни таклиф этган (Тўлиқ матни диссертация ишига илова, қонун лойиҳасида).

Диссертант ушбу бобда реабилитация этилган шахсга етказилган зарар ва зиённи қоплаш асосларини тадқиқ этиб қуйидаги хулосаларга келган. Жумладан,

– жинойт процессида “реабилитация” ва “жинойт процессида жинойт ишини юритишга ваколатли бўлган мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлигидан жабрланган шахс” тушунчаларини ажратиш лозимлиги;

– “реабилитация этилиш”, “реабилитация этилган” ва “зарарни қоплаш ҳуқуқи” каби тушунчаларга таърифлар ишлаб чиқиш лозимлигини асослаб, мазкур тушунчаларга муаллифлик таърифларини таклиф қилган.

Бундан ташқари муаллиф ушбу бобда, ЖПКнинг 304-моддасида келтирилган қопланилиши лозим бўлган мулкӣ зиён турлари тўлиқ эмаслигини келтириб, унинг мазмунига қуйидаги таҳрирда ўзгартиш ва қўшимча киритишни таклиф этган:

Бешинчи бандни “суднинг ҳукми, қарори асосида мусодара қилинган ёки давлат фойдасига ўтказилган, шунингдек, шахснинг суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан хатланган мол-мулки эгасига қайтариллиши лозим”.

Шунингдек, ҳуқуқий ёрдам бўйича олинган профессионал адвокатлар хизмати ва улар билан шартнома тузишда бошқа шахслар томонидан қилинган харажатлар, баъзи ҳолларда бир шахс манфаатини бир неча адвокатлар томонидан амалга оширилганлиги боис, уларга сарфланган харажатлар қопланилиши борасидаги қоидалар ЖПКда мавжуд эмаслигини таъкидлаб, ЖПКнинг 50 ва 304-моддаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни илгари сурган.

Муаллиф ушбу бобда, жинойт ишини юритиш жараёнида реабилитация этилган шахсга маънавий зиённи қоплаш механизминини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борган бўлиб, унда қатор миллий ва хорижий олимларнинг хулосаларини келтириб ўтади ва жинойт ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши, шунингдек жинойт процессида жинойт ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги оқибатида шахсга етказилган маънавий зиён, фуқаролик тартибида эмас, балки айнан жинойт процесси доирасида ҳал этилиши лозим, деган позицияни қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари амалиёт ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили натижасида маънавий зиённи қоплаш чораси сифатида “расман узр сўраш”ни киритишни ва ЖПКнинг 309-моддасини янги

мазмундаги иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдиришни таклиф этган (Тўлик матни диссертация ишига илова қонун лойиҳасида).

Диссертациянинг **“Реабилитация институтинининг ҳуқуқий асослари, амалга ошириш механизмлари ҳамда назорат қилишни такомиллаштириш масалалари”**га бағишланган тўртинчи бобида жиноят процессида реабилитация институтининг амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш ва жиноят процессида реабилитация институтини назорат қилишни такомиллаштиришга оид масалалари атрофлича ёритилган.

Диссертант мазкур бобда, жиноят процессининг шахсни реабилитация этилиши учун асосларни тадқиқ этиб, ЖПКнинг 83-моддаси ва 301-моддалари бир хил номланиши қонунчилик техникасига зид эканлиги, шу билан бирга реабилитация учун мазкур нормаларда кўрсатилган асослар етарли эмаслигини келтиради. Жумладан, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар (ЖК 35-модда), жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун қабул қилиниши (декриминализация) ва жиноятдан ихтиёрий қайтиш каби ҳолатларда иш юритишни истисно қилувчи асослар белгиланмаганлиги бевосита реабилитация институтига таъсир этишини исботлаб берган. Муаллифнинг фикрича, ЖПКнинг 83-моддаси “Реабилитация учун асослар”, 84-моддаси “Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар” дея номланганлиги ҳам модданинг мазмуни бўйича ҳам амалиёт нуқтаи назаридан хато эканлигини келтириб, мазкур моддаларни бирлаштириш ҳамда уларни яхлит моддада акс этиши лозим, деб ҳисоблайди. Чунки мазкур моддалар келтирилган асослар иш юритишни истисно этганлиги сабабли, унинг номини “Жиноятга оид ишларни тугатиш асослари”, дея номлашни таклиф этган.

Диссертант, мазкур иш юритишни истисно этувчи асосларни тўғри белгиланиши кўйидаги сабаб ва асосларга кўра реабилитация институтига бевосита таъсир этиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосага келган. Жумладан,

Биринчи, ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми биринчи бандига кўра, жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги ҳолати мавжуд бўлса-да, шахсга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, унга нисбатан процессуал мажбурлов чораларини қўллаш орқали иш судга тақдим этилса, бироқ суд юқоридаги асосга кўра жиноят ишини тугатиш ҳақида тўхтамга келган ҳолларда, шахснинг реабилитацияга бўлган ҳуқуқи қай даражада бўлиши лозим.

Албатта бунга кўйидаги амалиёт билан боғлиқ ҳолатни мисол сифатида келтирган:

Хусусан, 2022 йилнинг 15 октябр куни ЖИБ Фарғона шаҳар судида Фарғона вилояти ИИБ хузуридаги ТБнинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси учинчи қисми “а” банди (*эски таҳрирда*) билан гумон қилинувчи Р.Н га нисбатан камокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома кўзгатиш ҳақидаги қарори тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ кўриб чиқилган бўлиб, унда гумон қилинувчи Н.Р. 2022 йилнинг 14 октябр куни соат 16:10да ЖПКнинг 227-моддаси тартибида ушланганлиги қайд қилинган ва дастлабки тергов органи томонидан тақдим этилган ҳужжатларга кўра, Р.Н 2013 йилда фирибгарлик жиноятини содир этганлигини кўрсатиб, Р.Н 17.05.2014 йилда ЖКнинг 168-моддаси учинчи қисми “а” бандидаги оғир жиноятни содир этганликда гумон илгари

сурилган. Бироқ, тергов органи ва суд ЖКнинг 64-моддаси биринчи қисми “в” бандига мувофиқ, жавобгарликка тортишнинг саккиз йиллик муддати ўтганлигини, башарти Р.Ннинг айби исботланган тақдирда ҳам ЖПКнинг 463-моддаси учинчи қисми иннинчи бандига мувофиқ, бирор-бир жазо тайинланмаслиги ҳақидаги процессуал талабдан келиб чиқилса, қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш - унинг процессуал ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш ҳисобланади¹.

Мазкур амалиётда содир бўлган ва бугунги кунда ҳам кузатилаётган ҳолатлардан келиб чиқадики, ЖПКнинг 84-моддасида келтирилган асосларни ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаслик ҳам бевосита шахсни реабилитация этилиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатларга даҳл қилади.

Иккинчи, жабрланувчининг аризаси асосида қўзғатиладиган жиноят ишлари доирасида бундай аризани бўлмаслиги (ЖПКнинг 84-модда биринчи қисми, олтинчи банди) натижасида қўзғатилган ва юритилган жиноят ишлари бўйича қўлланилган ҳар қандай турдаги процессуал мажбурлов чоралари бўйича реабилитация масалалари;

Учинчи, ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ноқонунийлиги ёки асосизлиги сабабли бекор қилинган шахснинг реабилитация масаласи ва бошқа асосларнинг айрим жиҳатлари айнан реабилитация қилиниши лозим бўлган асосларни тўла ҳажмда тадқиқ этиш ва уни амалиётга жорий этиш муҳим эканлигини асослайди.

Юқоридагиларга асосан, диссертант мазкур моддани бир неча янги асослар билан тўлдиришни ҳамда ЖПКнинг 7-бўлимида аниқ қайси асослар реабилитацияга асос бўлишини аниқ белгилаб қўйишни таклиф этган. (*Тўлиқ матни диссертация ишига илова қонун лойиҳасида*).

Тадқиқотчи, ушбу бобда шахсни реабилитация этиш билан боғлиқ бўлган процессуал қарорларни тўғри расмийлаштирилиши ва уни қонунчиликда қайд этилиши борасида тадқиқотлар олиб бориб, ЖПКда шахсга реабилитация асосларига кўра жиноят иши тугатилган ҳолларда, мазкур қарорда унинг моддий зарар ҳамда маънавий зиённи қоплаш учун тан олинган ҳуқуқни амалга ошириш тўғрисида қайдлар мавжуд эмаслигини, бу эса ўз навбатида шахсни тўлиқ реабилитация этилмаслигига салбий фактор сифатида хизмат қилаётганлигини илмий таҳлиллар асосида асослантирган ҳамда ЖПКнинг 374-модданинг иккинчи қисми, учинчи банди, 375-моддаси учинчи қисми ва 381¹¹-моддаси тўртинчи қисмига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф этган.

Диссертант мазкур бобда судга қадар иш юритуви босқичида жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорлар устидан шикоят қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий муаммоларни амалий жиҳатларини таҳлил қилиб, бугунги кунда бу борадаги идоравий-процессуал назорат ҳамда прокурор назорати етарли эмаслигини асослашга ҳаракат қилган. Шу сабабли, бу борада ишончли суд назоратини ўрнатилиши жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорларни қайта ва қайта бекор бўлиш каби салбий амалиётга чек қўяди, деган хулосага келган ҳамда бу борада халқаро стандартлар ва мамлакатимизнинг бу борада олган мажбуриятларини асос

¹ Advokat Abdullaev Abdumalik.Sudya shaxsni qonunga xilof ravishda qamoqqa olgan. // tanqidiy maqola/ https://t.me/Advokat_Abdullayev 06.01.2023 yil

сифатида кўриб, бу борада суд назоратини тергов судьяси орқали таъминланиши назарда тутилган ЖПКга янги 308¹-308³-моддаларни киритишни таклиф қилган. Шу билан бирга муаллиф, ушбу йўналишда тадқиқотларни давом эттириб, мазкур янги моддалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда, ЖПКнинг айрим нормаларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳамда айрим нормаларни чиқариб ташлаб бўйича таклифларни баён этган. (*Тўлиқ матни диссертация ишига илова қонун лойиҳасида*).

ХУЛОСА

Жиноят процессида реабилитация қилишнинг назарий ва амалий масалаларига оид тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий-назарий ва амалий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

Қуйидагиларнинг таърифлари ишлаб чиқилди:

1. Жиноят процессида реабилитация - бу юридик реабилитациянинг бир тури бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятидаги хатоликлар туфайли жиноятни содир этишида гумон қилинган ёки айбланган шахсни, шунингдек бундай мақом берилмаган бўлсада, жиноятчиликка қарши курашувчи органлар ёки уларнинг ходимлари томонидан қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, зайринсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларининг қўлланилганлиги ёки эркин ҳаракатланишининг чекланган шахсларнинг дахл қилинган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳамда пок номини тиклаш ҳамда уларга нисбатан етказилган моддий зарар ва маънавий зиённи қоплаш, уларнинг жамиятга тўлиқ қайта мослашувини таъминлашга қаратилган комплекс қонуний чора-тадбирларда ифодадаланган мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир.

2. Жиноят процессида моддий зарар - жиноят ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши оқибатида, шунингдек жиноят ишини юритиш жараёнида жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги натижасида шахсга нисбатан етказилган моддийлик хусусиятига эга бўлган шикастлар ёки тан жароҳатлари тушунилади.

Жиноят процессида маънавий зиён - жиноят ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши оқибатида, шунингдек жиноят ишини юритиш жараёнида жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги натижасида шахсга номоддий хусусиятга эга, шунингдек, жабрланувчи олган тан жароҳатлари натижасида унинг руҳиятига етказилган ҳосила шикастлар тушунилади.

3. Жисмоний зарар – жиноят ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши оқибатида, шунингдек жиноят ишини юритиш жараёнида жиноят ишини

юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги натижасида шахснинг танасига етказилган моддийлик хусусиятига эга жароҳатлар.

Жиноят процессида мулкӣ зарар - жиноят ёки ақли норасо шахснинг ижтимоӣ хавфли қилмиши оқибатида, шунингдек жиноят ишини юритиш жараёнида жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги натижасида шахснинг мулкига ёки мулкӣ ҳуқуқларига нисбатан етказилган шикастлар.

4. **Зарарни қоплаш ҳуқуқини эътироф этиши** – бу жиноят процессида жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлигидан жабрланганлар учун уларга етказилган моддий зарар ва маънавий зиённи тўлиқ қоплаш учун расман тан олинган ҳуқуқдир.

Зарарни қоплаш ҳуқуқи эътироф этилган шахс – бу жиноят ёки ақли норасо шахснинг ижтимоӣ хавфли қилмиши оқибатида, шунингдек жиноят ишини юритиш жараёнида жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги оқибатида шахсга нисбатан етказилган моддий зарар ёки маънавий зиён кўрган ҳамда уни қоплаш ҳуқуқи расман тан олинган жисмоний шахсдир.

5. Реабилитациянинг моҳияти давлат томонидан, жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг қонунда назарда тутилган тартибда, реабилитация этилган шахсга етказилган зарар ва зиённи қоплаш ҳуқуқини берадиган айблов актида уни амалга ошириш имконияти давлат томонидан кафолатланган шахснинг айбсизлиги фактини расмий равишда тан олиш;

6. Жиноят процессида “реабилитация” ва “*жиноят процессида жиноят ишини юритишга ваколатли бўлган мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлигидан жабрланган шахсларга етказилган зарар ва зиённи қоплаш*» тушунчаларини ажратиш лозим;

реабилитация этилиш – жиноят ишини юритишга ваколатли органлар, мансабдор шахслар ҳамда суд томонидан қонунда белгиланган тартибда шахснинг айбсизлиги фактини жиноят процессида унга етказилган зарар ва зиённи қоплашни кафолатлаган ҳолда расмий равишда тан олиниши;

реабилитация этилган – қонунда белгиланган тартибда айбсиз деб топилиб маҳрум этилган, чекланган, бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари қайта тикланган, унга етказилган зарар ҳамда зиён тўлиқ қопланган ёки етказилган зарар ҳамда зиённи қоплаш ҳуқуқи эътироф этилган шахс;

7. **Зарарни қоплаш ҳуқуқи** – жиноят ишини юритишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлигидан жабрланган шахсларга нисбатан етказилган моддий зарар ҳамда маънавий зиённи тўлиқ қоплаш учун расман эътироф этилган ҳуқуқдир;

8. Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида реабилитация институтининг пайдо бўлиши ва ривожланиши таҳлил қилиниб, ушбу институтни шаклланишининг тарихий босқичларини тўрт даврга бўлган ҳолда ўрганиш таклиф этилди.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 50-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади, “**Ҳимоячи бошқа шахслар томонидан гумон қилинувчи, айбланувчининг номидан ёки унинг розилиги билан таклиф қилинган тақдирда, ушбу ҳолат жиноят иши материалларида қайд этилиши керак. Гумон қилинувчи, айбланувчи унга бир неча ҳимоячи билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузишга ҳақлидир**”.

2. Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф этилади:

83-модда. Жиноятга оид ишларни юритишни тугатиш асослари.

1. Жиноятга оид ишларни юритиш қуйидаги ҳолларда тугатилиши лозим, агар:

1) **юритувдаги иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;**
2) **шахснинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;**
3) **шахснинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса;**
4) **қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар аниқланган бўлса;**

5) **қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган қонун қабул қилинган бўлса;**

6) **шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;**

11) иш фақат жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) аризаси билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикоят бўлмаса ёки дастлаб ариза билан мурожаат қилиб, кейинчалик терговга қадар текширувни тугатишни сўраб қайта ариза билан мурожаат қилган бўлса, ушбу Кодекснинг 325-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

Манфаатдор шахсларга жиноятга оид ишни тугатиш асослари ва жиноятга оид ишни тугатиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилади. *(Тўлиқ матни диссертация ишига илова қонун лойиҳасида)*

3. ЖПКнинг 255-моддаси учинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини, илтимоснома қўзғатган прокурорнинг ташаббуси билан мажбурлов чорасини қўллаган тергов судьяси ёки юқори суд томонидан бекор қилинади. Бунда суд лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаш бўйича илтимоснома қўзғатган органнинг ушбу асосни бекор бўлиш ҳолатлари бўйича ўрганиб чиқади. Тергов судьяси ушбу процессуал мажбурлов чораси ноқонуний қўлланилган деган хулосага келган ҳолларда бу ҳақида хусусий ажрим чиқаради ва ушбу чора қўлланган шахсдан расман узр сўрайди. Расман узр сўраш ушбу кодекснинг 309-моддаси тартибида амалга оширилади”

4. ЖПКнинг 301-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф этилади:

301-модда. Реабилитация асослари

Оқлов ҳукми, шунингдек

1) ушбу Кодекснинг 83-моддасининг биринчи қисми биринчи–тўртинчи бандларида назарда тутилган ҳолатлар;

2) ушбу кодекснинг 83-моддаси олтинчи бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса-да, шахс жиноий жавобгарликка тортилган бўлса;

3) ушбу кодекснинг 83-моддаси ўн биринчи бандига мувофиқ, иш фақат жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)ни аризаси асосида қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикоятга бўлмаса-да, шахс жиноий жавобгарликка тортилган бўлса;

4) шахснинг қамоқда ёки уй қамоғида сақлаб турилганига қараганда камроқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликни чеклашга ёхуд озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганлиги;

5) ҳукмдан айбловнинг қисман чиқариб ташланганлиги ва бунинг натижасида қонунга кўра қамоқда ёки уй қамоғида сақлаш ёхуд озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш мумкин эмаслиги;

б) озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш муддатининг юқори суд томонидан ҳақиқатда ўталган муддатга қараганда камайтирилганлиги ёхуд бошқа енгилроқ жазо тури билан алмаштирилганлиги шахсни реабилитация этишга асос бўлади.

5. ЖПКнинг 302-моддаси номланишини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

302-модда. Реабилитация этилишининг моддий зарар ва бошқа оқибатлари.

Қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи қисмлар билан тўлдириш таклиф этилади:

Учинчи қисм. Шахсни ноқонуний жиноий жавобгарликка тортиш натижасида етказилган зарар давлат томонидан қопланади.

Тўртинчи қисм. Ушбу Кодекснинг 83-моддаси биринчи қисмининг бешинчи бандига асосан реабилитация этилган шахс, реабилитация этилишининг мулкӣ ва бошқа оқибатларига нисбатан ҳуқуқга эга бўлмайди, агар у қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган қонун кучга кирганидан кейин ишда гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган ёхуд унга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган ҳоллар бундан мустасно.

6. ЖПКнинг 303-моддасини чиқариб ташлаш ҳамда 304-моддаси биринчи қисмини қуйидаги мазмунда баён этиш таклиф этилади:

Жиноят ишини юритишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат(ҳаракатсизлик)лари ҳамда қарорларидан жабрланган шахсга компенсация қилинадиган моддий зарарга қуйидагилар қиради:

1) жиноят процессида шахс йўқотган иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва бошқа маблағлар;

2) шахсга нисбатан етказилган жисмоний зарар учун қилинган харажатлар;

3) ҳукм ёки суд қарори асосида мусодара қилинган ва давлат фойдасига ўтказилган шахснинг мол-мулки, шунингдек қайтарилиши лозим бўлган суриштирув, дастлабки тергов органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулки;

4) суд қарорини ижро этиш вақтида шахсдан ундириладиган жарималар ва процессуал харажатлар;

5) юридик ёрдам кўрсатиш учун тўланган суммалар;

б) қўрилган бошқа зарарлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига қуйидаги янги моддаларни киритиш таклиф этилади:

308¹-модда. Шахсга нисбатан реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш

Шахсга нисбатан реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят суриштирув ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг тергов судьяси, худудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят очиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан ўн суткалик муддатда кўриб чиқилади.

Суд мажлисида прокурор, жабрланувчи, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, ҳимоячи ва қонуний вакил иштирок этади. Зарур бўлганда суриштирувчи, терговчи судга чақирилиши мумкин.

Суд мажлиси прокурорнинг маърузаси билан бошланади, сўнгра жабрланувчи, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

308²-модда. Суд ажрими

Судья шикоятни қаноатлантириш тўғрисида ёки қаноатлантиришни рад қилиш ҳақида ажрим чиқаради.

Судьянинг шикоятни қаноатлантириш тўғрисидаги ажримида: жабрланувчи ҳақидаги маълумотлар; унга тўланиши керак бўлган моддий ва маънавий зиёнлар миқдори; жабрланувчига етказилган зарарларни қоплашни тегишли органларга юклаш кўрсатилади.

Судьянинг жиноят ишини тугатишни рад қилиш ҳақидаги ажрими асослантилган бўлиши керак.

Судьянинг шикоятни қаноатлантириш тўғрисидаги ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради. Ажрим тегишли орган раҳбарига ижро учун, прокурорга, жабрланувчига, ҳимоячига эса маълумот учун юборилади.

Судьянинг ушбу модда биринчи қисмида назарда тутилган ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида жабрланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили, зарарларни тўлаб бериш юклатилган орган раҳбари томонидан апелляция тартибида шикоят берилиши ёхуд прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажримни чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд қирқ саккиз соат ичида уларни материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Шикоят ёки протест бериш суднинг шикоятни қаноатлантириш тўғрисидаги ажрими ижросини тўхтатиб туради. Апелляция инстанцияси суди ушбу материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан ўн суткалик муддатда кўриб чиқиши керак.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

судьянинг ажримини бекор қилиш ва шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришга ҳақли.

308³-модда. Шахсга нисбатан реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажримни ижро этиш

Суднинг шикоятни қаноатлантириш тўғрисидаги ажрими тегишли орган раҳбари учун мажбурий бўлиб, раҳбар ажримни олиши билан дарҳол уни ижро этиши ҳамда бу ҳақда суриштирувчини, терговчини, прокурорни ва судни хабардор қилиши шарт.

8. ЖПКнинг 309-моддаси куйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф этилади:

309-модда Маънавий зиённи қоплаш

Суд ёки прокурор реабилитация қилинган шахсга унга етказилган маънавий зиён учун давлат номидан расман узр сўрайди.

Етказилган маънавий зиён учун давлат номидан расмий узрни жиноят иши судга қадар иш юритувида прокурор, суд босқичида тугатилган ёки оқлов ҳукми чиқарилган ҳолларда шу суд томонидан амалга оширилади. Ушбу Кодекснинг 542-моддасига мувофиқ зиённи қоплаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишда суд муҳокамасида оғзаки узр сўралади. Зарар кўрган шахснинг талабига биноан ёзма узр унинг яшаш жойига, ўқиш, ишлаш жойига юборилади ёки ОАВ воситаларида ёки Интернет сайтида эълон қилинади.

Шахс ушлаб турилганлиги, қамалганлиги ёки уй қамоғида турганлиги, лавозимидан вақтинча четлаштирилганлиги, тиббий муассасага жойлаштирилганлиги ёки ҳукм қилинганлиги ёхуд бошқа ноқонуний ҳаракатлар ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинган, радио, телевидение ёки бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган бўлса, реабилитация этилган шахснинг, у вафот этган бўлса, қариндошларининг талабига ёхуд суд, прокурор, терговчининг ва суриштирувчининг ёзма кўрсатмасига кўра тегишли оммавий ахборот воситалари унинг реабилитация этилганлиги тўғрисида 1 ой ичида хабар беришлари шарт.

Реабилитация этилган шахснинг, у вафот этган бўлса, қариндошларининг талабига кўра суд, прокурор, терговчи, суриштирувчи 10 суткадан кечикмаган муддатда реабилитация ҳуқуқи эътироф этилган шахснинг яшаш, иш ёки ўқиш жойига унинг реабилитация ҳуқуқи эътироф этилганлиги ҳақида ёзма хабар юбориши лозим.

Жиноят процессида маънавий зиённи қоплаш билан боғлиқ ишлар жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўрилади, маънавий зиённинг миқдори ҳисоблаб чиқарилганидан кейин бу зиённи қоплаш учун пул тўловларини амалга ошириш тўғрисида суд ҳукм ёки ажримда кўрсатади.

Шахсни реабилитация этиш билан боғлиқ жиноят иши суриштирув ёки дастлабки тергов вақтида тугатилса маънавий зиённи қоплаш юзасидан суриштирув ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг тергов судьясига мурожаат қилиш мумкин.

9. ЖПКнинг 306-моддаси иккинчи қисмидаги “зиён миқдорини” сўзларидан кейин “ҳукм чиқарган суд аниқлайди” сўзлари ўрнига “ишни тугатган суд аниқлайди” сўзлари билан алмаштириш таклиф этилади.

10. ЖПКнинг 310-моддаси куйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

Реабилитация этилган шахсга суднинг қарорига асосан маҳрум қилинган махсус, ҳарбий ва фахрий унвони, малака даражаси, шунингдек давлат мукофотлари қайта тикланади.

11. ЖПКнинг 313-моддаси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

313-модда. Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг мулкӣй ва бошқа ҳуқуқларини тиклаш

Реабилитация қилинган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкӣй ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкӣй зарарнинг ўрнини қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш ушбу бобда белгиланган қоидаларга мувофиқ ва **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

12. ЖПКнинг 374-модданинг иккинчи қисми, учинчи бандини куйидаги таҳрирда баён қилиниши таклиф этилади: **“Жиноят ишини тугатиш ва шахсни реабилитация этиш асослари”**.

Шунингдек учинчи қисмини куйидаги бешинчи банд билан тўлдириш: **шахс жиноят ишини юритиш жараёнида етказилган моддий зарар ҳамда маънавий зиённи қоплаш ҳуқуқига эга деб тан олинади ва уни амалга ошириш тартиби ушбу Кодекснинг 37-бобига мувофиқ унга тушунтирилади.**

13. ЖПКнинг 375-моддаси учинчи қисмини куйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф этилади: **«жиноят иши 83-моддасида назарда тутилган асослар бўйича тугатилган ҳолларда, терговчи реабилитация қилинган шахс томонидан унга нисбатан етказилган моддий зарар ҳамда маънавий зиённи қоплаш учун тан олинган ҳуқуқни амалга ошириш тўғрисида ушбу Кодекснинг 38-бобида назарда тутилган чораларни кўради»**.

14. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 381¹¹-моддаси тўртинчи қисмини куйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф этилади:

Суриштирувчи ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқаргач, бу ҳақда гумон қилинувчига, айбланувчига, ҳимоячига, шунингдек жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва уларнинг вакилларига, худди шунингдек иш корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқаронинг берган хабари билан кўзғатилган бўлса, шу корхона, муассаса, ташкилот вакилларига ёхуд фуқарога хабар қилади. **Жиноят иши 83-моддасида назарда тутилган асослар бўйича тугатилган ҳолларда, суриштирувчи реабилитация қилинган шахс томонидан унга нисбатан етказилган моддий зарар ҳамда маънавий зиённи қоплаш учун тан олинган ҳуқуқни амалга ошириш тўғрисида ушбу Кодекснинг 38-бобида назарда тутилган чораларни кўради.** Айни вақтда уларга ишни тугатиш тўғрисидаги қарор устидан прокурор ва судга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

15. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг бешинчи бўлим номланишида, 38-боб номланишида, 82, 248, 278, 285, 293, 304, 305, 306, 307, 362, 470, 471, 533, 583-моддаларида, 235-модда номланишида ва норманинг ўзида, 260-модда номланишида ва норманинг ўзида, 281-модда номланишида ва норманинг ўзида қўлланилган **зиён** атамасини **зарар** атамасига, ЖПКнинг 39², 54, 56, 154, 211, 302, 313, 396, 398, 413,

457, 467-моддаларида қўлланилган **мулкый зарар** атамасини **моддий зарар** атамасига, ЖПКнинг 275, 276, 277, 283, 285, 303-307, 312, 371, 470, 577-моддаларида қўлланилган **мулкый зиён** атамасини **моддий зарар** атамасига ўзгартиришни таклиф этамиз. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида **моддий зарар** ва **маънавий зиён** атамаларини қўллаш таклиф этилади.

16. Ўзбекистон Республикаси ЖПКдан 235-моддани, 248-модда ва 260-моддаларни чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ

III. Жиноят процессида реабилитация қилиш бўйича ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар:

1. Ўзбекистон Республикасида жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хатолари, қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги натижасида шахснинг чекланган ёки маҳрум этилган ҳуқуқий мақомини, бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш, унга етказилган зарарни компенсация қилиш бўйича махсус **Жамғарма (Фонд)** ташкил этилиши лозим.

Мазкур фонднинг молиявий манбаси сифатида жиноятдан олинган даромадлар, мусодара қилинган барча даромадлар, жиноий активлар шу жумладан, жиноий криптоактивларни қайтариш йўли билан олинган даромадлар, Парламент томонидан тасдиқланган давлат бюджети маблағлари ва бошқа манбалар белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу фонднинг ташкил этилиши реабилитация этилиши лозим бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини тикланиши ва компенсация олиниши жараёнини жадаллаштиришга хизмат қилади.

2. Ноқонуний судланган шахслар учун компенсация тўлаш бўйича ижобий тажрибаларга эга давлатлар амалиётидан келиб чиқиб, мазкур йўналишга оид барча ҳолатларни ўзида жамлаган “**электрон платформа**” яратиш таклиф этилади.

Мазкур платформада асосиз ҳукм бўйича судланган ёки жиноий таъқибга учраган шахсларга компенсация тўлашга оид барча керакли маълумотлар, ҳуқуқий тушунтиришлар берилади.

3. МДХ доирасида давлатлар ўзаро ҳамкорлик асосида қуйидагиларга амал қилишлари бўйича келишувга эришишлари мазкур соҳани ривожлантиришда муҳим ҳисобланади. Хусусан,

– жабрланган шахслар учун ягона компенсация стандартларини ишлаб чиқиш масалалари;

– давлатлараро судларга мурожаат қилиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқий қарорлар ижросини кафолатлаш ва мустаҳкамлаш каби бир қанча қоидаларни белгилашлари долзарб ҳисобланади.

4. Реабилитация институтининг нафақат жиноят процессига, балки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тажрибасига **ижобий таъсир** кўрсатиши мумкин бўлган **маъмурий ҳуқуқбузарликлар**га нисбатан қўллаш лозим.

5. Халқаро ҳуқуқда шахсни реабилитация қилиш бўйича компенсациянинг бешта шакли (*Реституция, компенсация, тиклаш, сатисфакция, тақрорламасликни кафолатлаш*)ни ҳар бири долзарб тушунчалар ҳисобланиб, мазкур тушунчаларни миллий қонун ҳужжатларига босқичма-босқич киритиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ АКАДЕМИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ПРАВООХРАНИТЕЛЬНАЯ АКАДЕМИЯ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН**

ШОДИЕВ ГУЛОМ МАХАММАТОВИЧ

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ
РЕАБИЛИТАЦИИ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ**

12.00.09 – Уголовный процесс. Криминалистика,
оперативно-розыскное право и судебная экспертиза

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (DSc)

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2021.2.DSc/Yu171.

Диссертация выполнена в Правоохранительной академии Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации выполнен на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.proacademy.uz) и Информационного-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Официальные оппоненты:

Миразов Даврон Мирагзамович
доктор юридических наук, профессор

Рахмонова Сурайё Махмудовна
доктор юридических наук, профессор

Суюнова Дилбар Жолдасбаевна
доктор юридических наук, профессор

Ведущая организация:

Академия правосудия Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится 02 октября 2025 года в 15:00 часов на заседании научного совета DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 при Правоохранительной академии Республики Узбекистан (Адрес: 100047, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Рихсилий, д. 9. Тел./факс: (99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Правоохранительной академии Республики Узбекистан (зарегистрирована под № 66). (Адрес: 100047, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Рихсилий, д. 9, Тел.: (99871) 202-04-96).

Автореферат диссертации разослан 19 сентября 2025 года.
(реестр протокола рассылки № 31 от 19 сентября 2025 года)

М.А.Аминжонова
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

Ш.И. Шайзаков
Научный секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент

В.Каримов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

Введение (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире вопрос реабилитации лиц, пострадавших от решений и действий (бездействия) органов и должностных лиц, уполномоченных вести уголовное судопроизводство, признается важным направлением уголовного правосудия. Вопросы, связанные с реабилитацией лиц, в отношении которых в уголовном процессе было прекращено уголовное преследование или вынесен оправдательный приговор, всегда актуальны во всем мире. Несмотря на различия в конкретных правовых основаниях и подходах, ключевые вопросы устранения последствий необоснованных обвинений и обеспечения справедливого отношения к оправданным лицам приобретают все большее значение как важные аспекты справедливой правовой системы. Согласно данным Национального института юстиции Министерства юстиции США¹, в опросах защитников, прокуроров, судей и других участников уголовного судопроизводства в стране в среднем от 0,5% до 3,0% обвинительных приговоров считаются ошибочными. Кроме того, в национальном реестре уголовных дел с 1989 по 2024 год зарегистрировано 3 709 случаев необоснованного осуждения и 34 191 год необоснованного лишения свободы. Эти факты свидетельствуют об актуальности данной темы для человечества².

В мире особое внимание уделяется научным и практическим исследованиям вопросов восстановления лишенных, ограниченных прав и свобод лиц, потерпевших от решений и действий (бездействия) органов и должностных лиц, уполномоченных вести уголовное судопроизводство в процессе уголовного судопроизводства, возмещения причиненного им материального ущерба, морального вреда. В частности, проводятся научно-исследовательские работы по таким актуальным темам, как совершенствование оснований реабилитации в уголовном процессе, анализ оснований прекращения уголовного дела, определение оснований взыскания морального вреда, уточнение соответствия принципам уголовного процесса мер по определению ущерба и вреда, причиненного лицу судами первой инстанции при оправдании лица вышестоящими судами по уголовному делу или прекращении дела по основаниям реабилитации, разработка механизмов восстановления нарушенных прав в случае неправильного или необоснованного применения мер процессуального принуждения по уголовному делу.

Разработка новых критериев классификации оснований реабилитации личности в уголовном процессе в нашей стране является одной из правовых задач, непосредственно поставленных перед государством. Эта задача определена как десятая под названием «Совершенствование оснований применения института реабилитации и механизмов его реализации» в Концепции совершенствования уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан, утвержденной Постановлением Президента Республики Узбекистан от 14 мая 2018 года No ПП-3723 «О мерах по кардинальному совершенствованию

¹ <https://www.ojp.gov/pdffiles1/nij/251446.pdf>

² <https://exonerationregistry.org/>

системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства»¹. Обеспечение выполнения данной задачи служит важным источником для того, чтобы каждому лицу, совершившему преступление в нашей стране, было назначено справедливое наказание, а также чтобы ни одно невинное лицо не было привлечено к ответственности и осуждено.

Также в Указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии «Узбекистан - 2030» определены приоритетные задачи по обеспечению верховенства закона и реализации реформ в судебной системе. Среди них: обеспечение верховенства Конституции и законов, превращение надежной защиты прав и свобод человека в главный критерий судебных реформ, в том числе исследование вопросов реабилитации личности в уголовном процессе, а также совершенствование уголовного-процессуального законодательства в этой сфере².

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан (1994), Законах «О прокуратуре» (2001), «О судах» (2021), Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 14 мая 2018 года ПП-3723 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства», от 21 октября 2016 года ПП-4850 «О мерах по дальнейшему реформированию судебной системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан», от 30 ноября 2017 года ПП-5268 «О дополнительных мерах по усилению гарантий прав и свобод граждан в судебной деятельности», от 10 августа 2020 года ПП-6041 «О мерах по дальнейшему усилению гарантий защиты прав и свобод личности в судебной деятельности», от 16 января 2023 года ПП-11 «О дополнительных мерах по расширению возможностей достижения справедливого правосудия и повышению эффективности деятельности судов», от 16 января 2023 года УП-12 «О дополнительных мерах по эффективной организации осуществления правосудия», от 11 сентября 2023 года УП-158 «О мерах по качественной и своевременной реализации стратегии «Узбекистан – 2030» в 2023 году», а также в других законодательных актах, касающихся данной темы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I.» Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Определенные научные исследования по теоретическим и практическим

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства» от 14.05.2018 г. № ПП-3723

² Указ Президента Республики Узбекистан О Стратегии «Узбекистан – 2030» от 11.09.2023 г. № УП-158

³ <https://www.agprf.org>, <https://www.unodc.org>, <https://www.dissercat.com>, <http://www.dslib.net>, <https://cjars-toc.isr.umich.edu>, <https://www.kicj.re.kr>, <https://www.sciencedirect.com>, <https://eucpn.org>.

